

Россияда «Карачай Черкессия» масжиди кейинги йил фойдаланишга топширилади



11:10 / 10.03.2021 2211

Мамлакат раҳбари Рашид Темрезов, душанба куни жонли эфир пайтида, «Карачай Черкессия» масжидининг очилиш маросими кейинги йил ўтказилишини маълум қилган. Бу ҳақда Ahlul Bayt News Agency манбаси хабар беради.

«Биз Черкесск шаҳридаги Республика бош масжидини 2022 йил 1 март куни очиш ниятидамиз», дейди Темрезов.

Ушбу масжид қурилиши ҳақида 2007 йилда қарор қабул қилинган бўлиб, 2011 йилда қурилиш ишлари бошланган.

Interfax берган маълумотга кўра, масжид Византия услубида қурилмоқда. Унинг атрофини 52 метрлик 4 та минора ўраб туради. Масжиднинг умумий

майдони 4,2 минг км² ни ташкил этади.

Қурилатган улкан масжид хонақоси 5 минг киши учун мўлжалланган бўлиб, катта жамоани жалб этувчи ибодат тадбирлари ва масжид ҳовлисидан фойдаланиш керак бўлиб қолганда, 10 минга яқин мусулмонни ўз бағрига сиғдира олиши мумкин.

Таржимон: Зокирова Зухра